

УДК 374

*Botirova Maftunaxon
Student of Kokand University*

ABDULLAH AVLONI'S COMMENTS ON THE ART OF MUSIC

Abstract: This article discusses Abdullah Avloni's reflections on the art of music

Key words: music, art, literature, scientific environment, literary environment

Ботирова Мафтунахон

Қўқон университети талабаси

**АБДУЛЛА АВЛОНИЙНИНГ МУСИҚА САНЬАТИ ҲАҚИДАГИ
МУЛОҲАЗАЛАРИ**

Аннотация: Уибу мақолада Абдулла Авлонийнинг мусиқа санъати ҳақидаги мулоҳазалари фикр юритилган.

Калим сўзлар: мусиқа, санъат, адабиёт, илмий мухит, адабий мухит

Ўрта Осиё ижтимоий-сиёсий, маданий ҳаётида муҳим ўрин тутган жадидчилик ҳаракати, адабиёти ва санъатининг йирик намоёндаларидан бири бўлмиш Абдулла Авлоний миллий театр ва мусиқа санъати равнақи, халқимизни маънавий қашшоқликдан қутқариш, умумхалқ маданиятини юксалтириш йўлида фаол иш олиб борган сиймолардандир.

Абдулла Авлоний (1878-1934) ўтган асрнинг бошларида уйғониш даври арбоблари сингари шоир, драматург, актёр, таржимон, мусиқа йигувчи, журналист, Европа илғор фан-техникаси, маданияти тарафдори сифатида бўй кўрсатди. Унинг ёзма драматургия ва театр санъатига қўшган ҳиссаси ҳақида талайгина илмий-оммабоп мақола ва асарлар эълон қилинган бўлса-да, аммо ижодкорнинг мусика санъатига муносабати тўғрисида жуда кам ёзилган. Ҳолбуки, у барча жадид зиёлилари каби бу соҳага ҳам муносиб улуш қўшган. Унинг икки жилдлик «Танланган

асарлар»ига киритилган шеърлари, мақолалари, пьесалари шундай демоққа асос беради. Адиб асарлари унинг бадиий-эстетик қарашлари ниҳоятда юксак бўлганини, хусусан, ёшлиқдан мусиқа санъатига ихлос қўйганини ва бу ихлос илк бор театрчилик ҳаракатига аралаша бошлаган кезларида авж олганини, айниқса, «Турон» труппасида фаолият қўрсатган даврида кучайганини қўрсатади.

Маълумки, XX асрнинг бошида Туркистоннинг катта шаҳарларига турли миллат театр трупалари, хусусан, татар, арман, озарбайжон, рус санъаткорлари ижодий сафарга келишган (бу ўша давр матбуотида кенг ёритилган). Уларнинг таъсирида Абдулла Авлоний ўзбек театр санъатининг пойдевори бўлган Европа типидаги «Турон» труппасининг (1914 йил) раҳнамоларидан бирига айланди. У театр санъатининг халқ онгига таъсири ҳақида «Театр хусусида мунозара» мақоласида «Тиётр ҳар бир миллатнинг ямон урф ва одатларини йўқ қилмак учун, ўзини аҳволини тузатмак учун боқадурғон ойинасидир» (Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 2 жилд. Т. Маънавият, 1998 .221-бет.), - дейди. Авлоний илгор турк ва озарбайжон, татар драматургияси билан танишиб, энг яхши асарларни, жумладан Жалил Мамадқулизоданинг «Ўликлар», «Уй тарбиясининг бир шакли», «Жаҳолат» драмаларини ўзбекчага таржима қилди, режиссёр ва актёр сифатида труппа фаолиятида фидокорона қатнашди. 1914-1916 йилларда Тошкент ва Фарғонада чиқиб турган газета ва журналларни вараклаб қўрсангиз, труппа фаолияти, Авлонийнинг режиссёрик ва актёрлик маҳорати ҳақида ёзилган мароқли мақолаларни кўплаб учратасиз.

«Турон» труппасининг илк қадамларида сўзсиз Авлонийнинг ўрни катта. Труппа репертуарининг шаклланишида, мусиқий безагида унинг қўли борлиги яққол сезилади. Театрнинг биринчи «қадамларидан бошлаб мусиқа санъатига катта ўрин берилган. Труппанинг матбуотда босилган эълонлари бу фикрни тасдиқлайди. Ҳатто эълонлардан бирида танаффус

пайтларида Султонхон танбурчи (ушбу даврнинг энг нуфузли тамбурчиси.) турли машқларни ижро этиши маълум қилингани кишини ҳайратга солади.

Авлоний ана шу жараёнга қизғин аралашгани сабабли мусиқанинг инсон, жамият ва театр санъатидаги ўрни ва ролини чуқур англаб этди. Бу хусусият унинг Сидқий Рухулло (Машхур Озарбайжон хонандаси. Туркистон санъаткорлари билан яқин алоқада бўлган.) билан ҳамкорликда У.Хожибековнинг «Лайли ва Мажнун» операсини саҳналаштиришда ҳам актёр, ҳам хормейстер сифатида иштирок этиши чоғида янада тараққий этди. Шунингдек, талайгина ҳофизу созандалар билан учрашувлар, суҳбатлар чоғида миллий мусиқа жанрлари, йўлларини ўрганди, маънавий хазинасини миллий куй номлари ва оҳанглари билан бойитди, Бу билан кифояланмай санъат ҳақида танқидий мушоҳада юритишга одатланди. Мусиқа санъатининг инсон тарбиясида муҳим ўрин тутишини, айниқса ёшларни тарбиялашда имконияти кенг эканлигини барча жадид зиёлилари каби теран илғади. Унинг 1922 йилда «Инқилоб» журналининг биринчи сонида босилган «Санойиъ нафиса» мақоласи фикримизни ҳар жиҳатдан далиллайди. Авлоний оммабоп тарзда фикр юритиб, одамлар қадим замонларда "дунё юзида инсон болаларининг санойиъ нафисага қўйган биринчи одимлар"ини, «дилларидаги таъсир ва ҳиссиётни тўхтата олмаганлар ва эришилгандан қаноатланмасдан тинч ётмаганлар, жим турмаганлар», «табиатнинг ясаган ва ўсдирган, вужудга чиқарган жонлик ва жонсиз нарсаларини синчиклаб текшириб қарай бошлаганлар»ини тушунтиради.

«Барги дарахтон сабз дар назари хушёр, Ҳар варақаш табиати рўзгор»,

Яъни, дарахтларнинг ҳар бир яшил, барги, хушёр (кишиларнинг) назарида бу турфа оламнинг варакларидир дейди (Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 2 жилд. Т. Маънавият, 1998. 235-бет.). Адид бу билан

мусиқа санъатининг туғилишида табиатга нисбатан қилинган оддий тақлид ётишини бу эса инсонларга алоҳида рухият баҳш этишини кўришимиз мумкин.

Маълумки, одамлар қадим-қадимда ҳаёт ва табиат воқеа-ҳодисаларини, атроф муҳитда кечаётган ўзгаришлар ҳамда жараёнларни доимо ўзларининг ҳаётларига қиёслашган. Табиат гўзаллигини асл ҳолича соддадиллик билан қабул қилишган. Авлоний илмий адабиётда «тақлидчилик даври», «халқ оғзаки ижоди даври» деб аталган пайтларни таҳлил этишда асосан тўғри ёндашади. У тақлид даврини қўйидагича ифодалайди: «баҳор мавсумларида чечакларнинг ҳажрида маст бўлиб сайраган қушларнинг ёқимли товушлари ҳушларига ўтирдида, онлар ҳам ихтиёrsиз равишда шул қушларга товушларини ўхшатмоқ, гўё қуш каби сайрамоқчи бўлдилар». Шоир бу мисол билан инсон қалбида пайдо бўлган гўзалликка, мусиқага интилиш, ижод қилиш, ўзига хос оҳанг яратиш майнини ва бу майилни туғдирувчи мусиқа ва унинг уйғотувчиси, фасллар келинчаги баҳор эканини уқтиради. Даврга таъриф бериб: «Улар ҳам нағма, ашула қила бошладилар. Мана шу даврни санойиъ нафисанинг адабиёт даври дейилур», - дейди.

Авлоний тақлидчиликдан аста-секин ҳақиқий ижод даврига ўтишни тўғри таъкидлаб, «аввалги санъатларига қараганда сўнгги санъатлар (аввалгидан) муҳимроқ ва яхшироқ бўлиб, мутаассир бўлмоқ ҳар кимга насиб бўлмас эди», -дейди. Бинобарин, у ҳақиқий санъаткорлик ҳар кимнинг қўлидан келмаслигини, бунинг учун инсонга чин маънодаги истеъодод лозимлигини айтади.

Тақлиддан оғзаки ижодга, сўнг ҳақиқий санъаткорликка ўтиш замонини, яъни адабиёт даври ҳақида фикр юритар экан, ҳар икки ҳолатда мусиқанинг вазифасини асосан тўғри белгилайди. У «шодлик кунларин(и) шодлик қўшиқ билан тасвир қилсалар, ғамлик кунларин(и) қайғулик

ашулалари билан изҳор қиласар эдилар», -дейди. Яъни, мусиқанинг фақат миший томонини эмас, балки фалсафий жиҳатини ҳам унутмайди.

Авлоний инсон овози - энг биринчи мусиқа асбоби эканлигини ва қадимги кишилар «гўзалларидан, маҳбубаларидан, борларидан ажралганликларин(и) бошқа ўртоқларига ҳам маълум қиласар эдилар», деб қадим замонларда ишқ-муҳаббат, ҳис-туйғулар билан боғлиқлигини айтиб, лирик мусиқанинг пайдо бўлиш сабабларини очади. Шунингдек у жўнгина бўлса-да, илк мусиқа чолғу асбобларининг яратилиши хақида ҳам тахминлар қиласиди: «Дарахтларнинг шохларига илиниб қолгон ҳайвонларнинг ичакларин ҳавонинг таъсири билан кўриб, шамолнинг таъсири билан «тинғир-тинғир» қилган товуши кўнгилларига ўтурди, хуш келди. Ўзларининг ашула ва қўшиқларига жўр-жўравозлик қилмоқ учун ҳайвон ичакларидан «тор» ясад, мусиқий асбобларин юзага чиқардилар», деб мусиқа санъати ўз тараққиётида янги бир босқичига ўтганини таъкидлайди. «Бу санъатлари аввалларига қараганда энг нафис, энг муҳим, энг руҳлик бир санъат бўлиб чиқди. Лекин онлар бу санъатларни текширув ва қайғирув орқасида чиқордиларда, бизларга ёдгор ўлароқ қолдириб, ўзлари кўздан ниҳон ўлдилар» деб, мусиқани оддий тақлиддан ижод ва чин бадиёт ҳосиласи даражасига қўтарилишини «нафис санъат» деб, унинг яратувчилари-bastакорлар ном-нишонсиз ўтиб кетганларини уқтироқда. У даврни аниқ кўрсатишдан тийилиб, ўрта асрлар нафис санъатига ишора қиласар экан, миллий мусиқа бисотимиздаги қадимий «Сайра булбул, сайра чинорни шохи синсун, ёр айриламан деди, айрилиб кўнгли тинсун» деб бошланувчи халқ қўшиғини тилга олади. Авлоний мусиқа санъатининг пайдо бўлишига оид қисқагина мақоласида кўпгина қизиқарли кузатувларни келтиради ва асосан тўғри хулосалар чиқаради. Мусиқа илк бор табиятга оддий тақлиддан бошланганлигини, мусиқа санъатининг асосий жанрларини, яъни мавсумий, миший ва лирик қўшиқларнинг келиб чиқишини эслатиб қўяди. Мусиқага юракдан берилгани боис ёзган

«Мусиқий» сарлавҳали шеърида мусиқанинг таъсир куч-қудратини батафсил ифодалайди.

Нағма созингдир мадори жисм, құдсий сўзларинг, Рухбахшодур садо қилганда, хижрон кўзларинг.

Авлоний мусиқани ўлик вужудга жон киритувчи гўзал қиёфада тасвирлайди. Мусиқа садоси инсоннинг руҳини бўйсундириб ўзига мухлис қиласи, минг жонларни ўйнатади. Кимки умрида бир маротаба мусиқа садосини эшитса, унга абадий шайдо бўлиб қолади. Санъат инсон қалбига шодлик бағишлиб, ўзига асир қилиб олади. Мусиқа булоғидан минглаб жонлар таъсирангандан, мафтун бўлган, «мурда диллар», яъни ўлик диллар ҳам унинг таъсиридан дармон олади ва тирилади, ҳаракатга келади. Санъатни англаған, ундан баҳраманд инсоннинг руҳияти пок бўлиб, ёмонлик томонига ўзгармайди, бузилмайди деб ҳисоблайди Авлоний. Шу билан шоир мусиқа инсон руҳини, маънавиятини поклайдиган, тарбиялайдиган кучга эгалигини таъкидлаб, қадимги юонон файласуфларининг «покланиш» («катарсис») тушунчасига ҳамфикрлик билдиради.

Сўйлаган кимдур даҳонингдан азал асрорини,

Нағманг очгай элни афкорик тузар жонторини.

Яъни мусиқа илоҳият билан бевосита боғлиқ бўлган мўъжиза. Инсонга яратгучининг сирини сўзлаган ким? Албатта, нағма. Чунки нағма – халқнинг тафаккурини очади, жонларнинг-жамиятнинг бемор вужудини даволайди, жон томирини тузатади. Сабаби, нағмасоз (созанда, бастакор) құдсий-илоҳий поклик сўзини айтиб, инсон ва жамият вужудига қувват беради, чунки, Ҳижрон сўзлари (шоирнинг тахаллусларидан бири) хаста халқ руҳини даволовчи куй, оҳанг, садо, жон ато этувчи малҳам деб айтишимиз мумкин.

Авлоний шеърда мусиқанинг илоҳиёна таъсир қувватини таърифлаш билан кифояланмай турли мусиқий атамаларни келтиради:

«сомеъ» - тингловчи, эшитувчи маносини билдиради; «тараннум» - оҳанг, куй; «такаллум» - қўшиқ, ашула; «нағмасоз» - куй ёзувчи, бастакор. Адид мусиқани нафақат санъат, балки фалсафа, дин, тиббиёт ва умуман коинот билан боғлиқ бўлган яхлит бир ҳодиса сифатида ўзаро мутаносибликда идрок этади. Унинг мусиқа инсон руҳига, маънавиятига қанчалик кучли таъсир қўрсатиши, таълим-тарбияда муҳим рол ўйнаши ҳақидаги фикр ва тушунчалари барча жадид зиёлиларига хос бўлиб, қадимий Шарқ мусиқашуносларининг фикрларига монанд келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйҳати

1. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 2 жилд. Т. Маънавият, 1998. 221-бет.
2. Авлоний А. Танланган асарлар. 2-жилдлик. 2 жилд. Т. Маънавият, 1998. 235-бет.
3. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 1-жилд. -Москва, 1981. -Б. 270.
4. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. -Тошкент, 2000. -Б. 8.
5. Ризаев Ш.. Жадид драмаси -Б. 5.
6. Балдауф И. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. -Б. 9-10.
7. Қосимов Б. Жадидчилик. Миллий уйгониш ва ўзбек филологияси масалалари. - Тошкент. 1993. –Б. 21-22.
8. Алимова Д.А. XIX аср охири - XX аср бошнда Бухородаги ижтимоий-сиёсий вазият ва жадидчилик. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш -Тошкент. "Университет". 1999. -Б. 97.
9. Каримов И. XX аср бошларидаги тарихий вазият ва жадидчилик ҳаракатининг вужудга келиши. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш (тўплам). -Б. 33.

- 10.Жалолов А. Жадид адабиётида миллий озодлик на истиқлол гоялари. "Ўзбек тили ва адабиёти". 1996 йил, 4-сон. -Б. 16.
- 11.Қодирова М.Иброҳим Даврон.Тошкент. “Янги аср авлоди”. 2003.